Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 245 (8985). • 1986 йил 30 декабрь, • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети бюроси 26 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида Чилонзор район партия комитетининг коммунистлар ҳамда барча меҳнаткашларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишда оғзаки-сиёсий агитация ролини кучайтириш соҳасидаги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда айрим ижобий ўзгаришлар юз берганлигига қарамай, районда оғзаки-сиёсий агитация ишларининг умумий аҳволи ҳали КПСС XXVII съезди талабларига жавоб бера олмаслиги таъкидланди. Съезд қарорларини тушунтиришда, кадрлар ва меҳнат коллективлари аъзолари онгини қайта қуришда, уларнинг куч-ғайратини совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга, ишда юксак пировард натижаларга эришишга йўналтиришда агитация ишлари воситаларидан яхши фойдаланилмаяпти.

2-пойабзал фабрикаси, «Ташхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташметрострой» тресги, «АвтоВАЗ» маркази, «Автотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотларида оғзаки-сиёсий агитация ишлари устидан партиявий раҳбарлик даражаси жуда паст, юзакичилик кўп, сон кетидан қувиш фактларига барҳам берилмаган. Агитация ишларини хўжалик ва социал масалаларни ҳал этиш билан боғлаб олиб бориш, уни социалистик мусобақа ошкоралигини таъминлаш ва ишнинг сифат кўрсаткичларини оширишга, илғор иш методларини, илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилишга йўналтириш юзасидан зарур чоралар кўрилмаяпти.

Бюро район партия комитетидан, бошланғич партия ташкилотларидан оммавий-сиёсий, бутун идеология ишини қатъийлик билан қайта қуриш, оғзаки агитацияни инсон омилини активлаштиришга, кишилар онгида социал ва ишлаб чиқариш топшириқларини ҳал этишга янгича ёндашишни шакллантиришга қаратиш юзасидан амалий чоралар кўришни талаб этди. Меҳнаткашлар билан бўладиган оммавий-агитация ва тарбия ишларида, кишилар билан учрашув ҳамда суҳбатларда, идеология активларига ахборот беришда раҳбар кадрларнинг шахсан мунтазам иштирок этишлари зарурлигига асосий эътибор қаратилди.

Бюро мажлисида халқ депутатлари Советлари фаолияти форма ва методларини янгилаш, қайта қуриш, КПСС Марказий Комитетининг «Халқ депутатлари Советларига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида уларнинг хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишдаги роли ва масъулиятини ошириш тадбирларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Шаҳар ва район партия комитетларига Советларга партиявий раҳбарликни қатъийлик билан яхшилаш, уларнинг ўз ваколатларини амалга оширишларида, жойларда экономика, социал-маданий соҳани комплекс ва самарали ривожлантиришни таъминлашда мустақиллиги, активлиги ва ташаббускорлигига изчиллик билан эришиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги системаси корхоналари ва ташкилотларида КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг меҳнатсиз даромадга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги қарорларини бажаришдаги ишнинг аҳволи масаласи ҳам кўриб чиқилди. Шу нарса қайд этилдики, бу корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари ва раҳбарлари ўғирлик, хўжасизлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишнинг олдини олиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бормаяптилар, дон маҳсулотларининг исроф бўлишини камайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган амалий чоралар кўрмадилар. Ана шундай камчиликларга йўл қўйилаётганлиги шаҳар ва район партия комитетларининг корхоналар фаолияти устидан назоратни сусайтириб юборганликлари, халқ контроли комитетлари, ички ишлар ва прокуратура органларининг профилактика ишларини қониқарсиз олиб бораётганликлари оқибатидир.

Фонд интизомини қўпол равишда бузганликлари, тақчил маҳсулотларни фақат маълум кишилар ўртасидагина тақсимлаганликлари, дон маҳсулотларининг етишмай келганлиги ва сифати ниҳоятда паст бўлганлиги билан муросасозлик қилганликлари, майда ўғирликка қарши кураш чораларини кўрмаганликлари учун бир қатор дон маҳсулотлари комбинатлари, ун ва нон заводлари раҳбарлари Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети қарори билан қатъий жазоланганлиги ва уларга пул начёти солинганлиги, Тошкент дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Б. Бекбоев Дон маҳсулотлари министрлигининг буйруғи билан вазифасидан бўшатилганлиги эътиборга олинди. Партия комитетларига меҳнатсиз даромадга қарши курашни кучайтириш юзасидан зарур чоралар кўришда корхоналарнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш топширилди.

Ғалаба ва Бўстонлиқ районларида атеистик кадрлар билан ишлашнинг аҳволи, аҳолини юқори сифатли пойабзал билан таъминлашдаги жиддий камчиликлар (бу ҳақда матбуотда қўшимча эълон қилинади), шунингдек бошқа айрим масалалар ҳам тингланди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### БАЙРАМ ОЛДИ РАПОРТЛАРИ

#### МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

ЧИНОЗ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози чорвадорлари давлатга гўшт, сут ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан зиммаларига олган план ва социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажармоқдалар. Куни-кеча сут товар фермаси соғувчилари давлатга 625 тонна сут топшириб юксак социалистик мажбуриятни ҳам адо этишди.

Колхозда йил бўйи сигирлардан мўл ва серқаймоқ сут соғиб олиш юзасидан катта тажриба тўпланган. Бу йилги қишлов ҳам яхши ўтяпти. Айни кунларда сигирлардан ўртача 9 килограммдан сут соғиб олиниб, давлатга 1820—1850 килограмм сифатли маҳсулот топширилмоқда. Хўжаликнинг Дилбар Аметова, Муборак Қирғизбоева, Екатерина Мамедова, Сапура Бойбекова сингари тажрибали соғувчилари эса говмушлар маҳсулдорлигини 10 килограммдан ошириб барчага ўрнак бўлишяпти.

Т. УЗГЕНОВ.

#### БИР МАРОМДА

ҚИШЛОҚ хўжалик деталлари заводи Янгийўлдаги пешқадам корхоналардан ҳисобланади. Унинг меҳнатсевар коллективи давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажармоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, янги асбоб-ускуналарни жорий қилиш, социалистик мусобақани авж олдириш, ишлаб чиқариш илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантиришни муттасил такомиллаштириш коллектив ютуқларининг салмоқли бўлишига олиб келмоқда.

Завод ишчи-хизматчилари ўн иккинчи беш йиллик дастлабки йилининг ўтган вақтида пландагидан ташқари ўнларча минг сўмлик турли-туман эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқардилар ҳамда республикамиз колхоз-совхозларига юбордилар. Корхона бир маромда ишлаяпти, штурмчилик деярли барҳам топди. Ишлаб чиқариш топшириқлари ҳар куни бажарилмоқда. Меҳнатдаги муваффақиятлар социал-маданий тадбирлар учун маблағ ажратишни кўпайтиришга ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда корхона ўз маблағи билан 96 квартирали уй қурилишини бошлаб юборди. Умуман 2000 йилгача барча ишчи-хизматчилар оилалари уйлар ва квартиралар билан таъминланади. Ишлаб чиқилган социал-иқтисодий ривожлантириш комплекс тадбирларида ана шундай банд ҳам қайд қилинган.

М. МАҲМУДОВ.

#### ҚЎШИМЧА 150 МИНГ СЎМЛИК

Тошкент область китоб савдоси коллективи йилни муваффақиятли якунлаш юзасидан бошлаган мусобақада актив иштирок этиб 25 декабрда товар обороти планини муддатидан олдин бажарди. 5 миллион 100 минг сўмлик китоб ва бошқа хил босма маҳсулотлар реализация қилинди.

Область китоб савдоси коллективи йил охиригача яна 150 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилиш учун курашмоқда.

## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

29 декабрь куни 117-Тошкент—Октябрь сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев билан учрашуви бўлди.

Учрашувни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин очди.

И. Б. Усмонхўжаев КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Тошкентда бўлган чоғида кўрсатиб ўтган камчиликларни бартараф этиш юзасидан республикада қилинаётган кўп қиррали ишлар ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида авж олиб кетган қайта қуришнинг дастлабки натижалари таҳлил этилди. Партия раҳбарлигида халқ депутатлари советларининг ишлаб чиқаришни интенсивлаш, халқ хўжалигини бошқаришнинг форма ва методларини такомиллаштириш соҳасида олиб борган ишлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили охирига келиб саноат ва қишлоқ хўжалигида айрим ижобий силжишларга эришиш имконини берганлиги таъкидлаб ўтилди. Бироқ эришилган бу натижалар хотиржамликка олиб келмаслиги керак. Олдимизда жуда катта ишлар турибди. Давр талабларидан орқада қолиш мумкин эмас. Ҳар бир меҳнат коллективида ишчилар ташаббускорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш, асосий масалаларни — технология ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, маҳсулот сифатини кескин ошириш кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишдаги бюрократизм ва сансалорлик фактларига қарши қатъият билан курашмоқ керак. Қўлга киритилган барча ижобий ва қимматли нарсалар умумий мулкка айлантирилиб, кейинги ишларда улар ҳисобга олиниши лозим. Бошланган қайта қуриш эстафетасини давом эттириб, ҳамма соҳада иш суръатини жадаллаштиришга, беш йиллик планда кўзда тутилган марраларга эришиш, уюшқоқликни, топширилган иш учун масъулиятни мустаҳкамлаш ва ошириш, салбий ҳодисаларга қарши қатъий кураш олиб бориш зарур.

И. Б. Усмонхўжаев сайловчиларга уларнинг наказлари қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот берди.

Кўн-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси М. Мўйдинова, Давлат ёш томошабинлар рус театри партия ташкилотининг секретари Л. В. Федорова, Тошкент политехника институтининг талабаси Т. Коваленко, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси пардозловчиси С. Мирқосимова, «Строймеханизация» тресги экскаватор-машинисти В. Г. Стовба ва учрашувда сўзга чиққан бошқа кишилар КПСС билан Совет ҳукуматининг советлар мамлакати қудратини янада мустаҳкамлашга, совет кишиларининг фаровонлигини оширишга қаратилган тинчликсевар йўлини республика пойтахти меҳнаткашлари якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Улар ўз коллективлари номидан гапириб, Тошкент меҳнаткашлари партиямизнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги оталарча ғамхўрлигига жавобан мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш программасини амалга ошириш учун курашга янада актив қўшилиб, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини янги ютуқлар билан кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Пировардида ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев сайловчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

## УЙ ТЎЙЛАРИ ЯҚИН

ТОШКЕНТНИНГ Ғафур Ғулом кўчасида янги қурилган улкан бино—130 оилага мўлжалланган бу турар-жой биносининг қаватларига назар ташласангиз, ҳар жой-ҳар жойда айвон девори, шифти саҳнларига меҳр билан жило бераётган бўёқчи қиз-жувонлар, йигитларга кўзингиз тушади. Бу, иморатга ташқаридан қарагандаги манзара, холос. Агар бино ичкарисига қадам ранжида қилгудек бўлсангиз, сайқаллаш ишларининг кенг кўламда шитоб билан олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Бир подъездда хоналар деворларидаги махсус қоришма билан тирқишларни беркитиш авжида бўлса, иккинчисида дурадгорлик ишлари юксак суръатларда давом этмоқда, учинчисида эса зарур жойларга ойна солаётган пардозчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Дилшод, куракчангдаги қоришмадан яна девор саҳнига чапла, ўйдим-чуқур бўлиб қолмасин,— дейди ҳамкасблари ишини кузатиб юрган бригадир.— Хоналар, умуман уйнинг бўёқдан не чоғли сифатли чиқиши кўп жиҳатдан шпаклёвка ва оқлашнинг қандай бажарилишига боғлиқ. Буни ёдингдан чиқарма, зинҳор!

— Хўп, бўлади, Михаил Иванович,— дарҳол хатосини тўғрилашга тутинди 17—18 ёшлардаги йигитча.

РЕПОРТАЖ

— Ҳорманг, шогирдингизнинг ишидан кўнглингиз тўлмадими?— салом-аликдан сўнг мурожаат этдим Ивановга.

— Ҳа, агар таъбир жоиз бўлса, бизда Алимовлар сулоласи ишлайди, деб айтишим мумкин,— жавоб берди бригадир мийиғида кулиб.— Олдинма-кетин сафимизга келиб қўшилиб, бригадамизда кўпдан бери ишлаётган ака-ука Акбар, Салим ва Ёқублар аллақачон тажрибали бинокорларимиз қаторидан ўрин олишган. Аммо Алимовлар сулоласининг бу кенжа вакили Дилшод коллективимизга яқинда қўшилган. Ҳали малакаси етарли бўлмагани учун унинг ишдаги баъзи камчиликларини кўрсатиб тургандим.

М. Ивановнинг умуман Тошкент қурилишларидаги иштирокига роппа-роса 25 йил тўлди. У аввалига комсомол йўлланмаси билан «Главташкентстрой» 153-қурилиш трестининг 12-қурилиш бошқармасида оддий бўёқчи, кейинроқ бригада бошлиғи сифатида ишлаб, бой тажриба орттирди. Мана, ўн тўрт йилдирки, Михаил Иванович 3-уйсозлик комбинати «Ташмосстрой» қурилиш бошқармасининг 46 кишилик комплекс пардозлаш бригадасига етакчилик қилиб келмоқда.

— Шу йилнинг ўзида шаҳримизнинг «Шимоли-Шарқ-2», Юнусобод массивининг СА-2 микрорайони ва бошқа қатор турар-жой биноларини сифатли қилиб пардоздан чиқаришда бригадамиз аъзолари актив қатнашдилар,— дейди бригадир биз билан суҳбатда.

Моҳир ишбоши ўзи раҳбарлик қилаётган бригаданинг 14 йилдан бери аккорд мукофот системаси асосида ишлаётгани, бу бинокорларга катта иқтисодий наф келтираётганини ҳам қўшиб қўйди. Айни пайтда беш йилдан бери хўжалик ҳисобига ўтиб меҳнат қилаётган жилокорлар коллективининг ойлик ишлаб чиқариш нормаларини ўртача 125—130 процентдан адо этаётганлигини таъкидлади.

— Бизда умуман қолоқлар йўқ,— дейди у илғорлар ҳақида гапириб.

Михаил Иванович уста—дурадгорлардан Камол Муфазалов ва Виктор Белокобильский, бўёқчилардан ака-ука Алимовлар ва Люба Крескина сингари бинокорлар номини фахр билан тилга олди. У бригадада ўзбек, рус, украин, татар, арман, белорус ва бошқа турли миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб, баракали меҳнат қилишаётганлигини ҳам уқтирди.

М. ТУРОБОВ.

### Мусобақа етакчилари

● «ТАШСЕЛЬМАШ» заводининг юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари янги йилни шахсий меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар. Мусобақанинг олдинги сафида бориб, графикдан ўзиб ишлаётганлар орасида коммунист Флюра Валеева ва комсомол Турғун Рустамовлар ҳам бор. Бу икки моҳир фрезерчи 14-цехнинг машъаллари ҳисобланишади. Улар кунлик нормаларини мунтазам ошириб бажариб, фақат сифатли маҳсулот тайёрлашмоқда.

Н. Шарипов фотоси.





## НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

27 декабрда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида партия-хўжалик активи мактабининг навбатдаги машғулоти бўлди. Мактаб тингловчилари мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришни идеологик жиҳатдан таъминлаш ва партия ҳамда давлат ишида ленинча услубнинг асосий қирралари тўғрисида ўқилган лекцияни тингладилар. «Ленин совет давлати йўлбошчиси» номли хроникал-ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тингловчилар шунингдек, музей филиали экспозицияси билан танишдилар.

## 1990 йил узоқ эмас

ЎЗБЕКИСТОН кочегаркаси ҳисобланмиш Ангрен шаҳри кончилари КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этиб ойлик ва квартал планларини мунтазам ошириб бажаришаяпти.

Жумладан, шу йилнинг планини ҳам «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9- шахта коллективи муваффақиятли бажарди. Пландагига қўшимча равишда бир неча минг тоннага яқин кўмир қазиб олдилар. Бундай зафарга эришишда Ленин ордени кавалери Абдураҳмон Маматов, ветеран кончилар Тиллахўжа Қурбонов, Александр Романюк, Иззатилла Раҳмонов бошчилик қилаётган бригадалар ҳиссаси салмоқли бўлди. Мазкур бригадаларнинг ҳар бири пландан ташқари 1,5—2 минг тоннадан ортиқ кўмир қазиб бердилар.

Шахтада кўмир қазиб чиқаришда портлатувчиларнинг меҳнати ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ана шу касб эгаси, илғор портлатувчи Фахриддин Ҳамдамов ҳамкасбларининг иши ҳақида шундай дейди:

— Коллективимиз янги йилга бағишлаб ўтказилган социалистик мусобақада олдинги сафда бормоқда. Кўмир қазиб чиқариш ҳажмини ошириш учун янги-янги иш усулларини, илғор технологияни жорий этишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳар бир участкада меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келяпти.

Ўн иккинчи беш йилликда шахта коллективи олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Шахтада ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан реконструкция ишлари олиб борилмоқда. 1990 йилга бориб коллектив йилига 600—700 минг тонна кўмир қазиб чиқариш қувватига эришади. Бунинг учун ҳозирдан катта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, кенг ҳажмли ер ости йўлкаларини ва ер устига чиқиш йўлларини бунёд этишга тайёргарлик кўрилаяпти, ер ости ишлари бошлаб юборилди.

«Ангрен» кўмир разрези коллективи ҳам зиммасидаги топшириқларни зиёдаси билан адо этаяпти. Илғор иш усулларини қўллаш, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш ютуқлар омили бўлмоқда. Эргаш Раимбердиев, Ёқуб Умаров, Нелли Ефремова, Игорь Рибалкин, ака-ука Боймуродовлар шахсий меҳнат беллашувида ғолиблар сафида боришмоқда.

Х. САИДАЛИЕВ.




## ОЗУҚА ЦЕХИ ИШЛАМАЯПТИ

ОҲАНГАРОН районидаги «Ангрен» совхози меҳнаткашлари давлатга йилдан-йилга кўпроқ сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Чунки эришилаётган натижалар, ҳар бир бўлим ва бригадалардаги ишлар тез-тез муҳокама қилиб борилмоқда. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланмоқда. Айбдорлар қатъий жазоланмоқда.

Лекин йил якуни таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, ҳали хўжаликда ички имкониятлар тўлиқ ишга солинмаяпти. Масалан, чорвачиликни олиб кўрайлик. Хўжалик бу йил давлатга 735 тонна сут етказиб бериши лозим эди. Сўнгги кун натижаларидан маълум бўлдики, бу план уддаланмайди. Тўғри, комплексда сут соғиб олиш ўтган йилга нисбатан 47 тонна кўпайди. Бу яхши. Аммо ҳамон пландаги ўсиш суръатига эришилмаяпти. Ваҳоланки совхозда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, асосийси сигирлар маҳсулдорлигини ошириш учун реал имкониятлар бор.

Бизнингча, биринчи навбатда ҳозир асосий диққат-эътиборни қорамолларни қишки рацион асосида сифатли озиқлантиришга қаратиш керак. Маълумки, қиш ойларида моллар учун беда пичани энг тўйимли ва витаминга бой озуқа ҳисобланади. Баъзи бир масъулиятсиз кишиларнинг айби туфайли бу йил пландаги 3190 тонна ўрнига 1609 тоннагина беда пичани жамғарилди. Бу ҳам айни пайтда рационнинг тўлиқ бўлмаслигига, оқибат натижада маҳсулдорликнинг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бизни комплексдаги мавжуд озуқа цехининг ишламаётганлиги ҳам жуда ажаблантирди. Ахир совхозда пландагидан кам дағал озуқа жамғарилган бўлса-ю, уларнинг ҳар килограммидан тежаб-тергаб, тўйимлилигини ошириб фойдаланиш ўрнига даладан қандай олиб келинган бўлса, шундайлигича охурларга солинаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Бунинг устига қишлов яримлаб қолган бўлишига қарамай комплексда қорамолларни сув билан доимий таъминлашда узилишлар бўлмоқда. Ҳамон фермада меҳнат интизоми бузилаяпти. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар бу камчиликларни кўра била туриб, ҳеч қандай чора-тадбирлар кўришмаяпти.

Совхозда ҳамма соҳада эришилган ўсиш дастлабки натижа холос. Ҳали олдинда катта вазифалар турипти. Таҳлил шуни кўрсатмоқда. Уларни бартараф этмасдан туриб янада олға силжиш мумкин эмас.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

## ОММА ИЖОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Маданият ходимлари касаба союзининг 27 декабрь куни Москвада ўз ишини тамомлаган XI съезди қатнашчилари касаба союз ташкилотларини совет кишиларининг ижодий қобилиятларини намоён этиш, уларнинг турмушини маънавий жиҳатдан бой ва кўп қиррали қилиш учун энг яхши шарт-шароитларни яратишга даъват этдилар.

Маданият муассасаларининг коллективлари, КПСС XXVII съезди ўртага қўйган мақсадларга эришиш учун жуда катта имкониятларга эга эканликлари уқтириб ўтилди. Касаба союз комитетлари ишини қайта қуриш, унинг янги форма ва методларини қидириб топиш омма ижодкорлигини актив ривожлантиришга, аҳоли турли табақаларининг маънавий эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришга, уларда коммунистик дунёқарашини камол топтиришга қаратилгандир.

Шунга қарамай, маданият муассасалари ишининг ҳозирги даражаси ҳали замонавий талабларга жавоб бермайди, деб таъкидлашди сўзга чиққан кишилар. Касаба союз ташкилотлари ўзларининг барча имкониятларидан фойдаланмаётганликлари учун ижодий союзлар ва бирлашмалардаги мавжуд муаммоларни билмайдилар, уларга ёрдам бермаяптилар, сусткашлик қилмоқдалар. Касаба союзлар кўпинча ташкилотчилар эмас, балки контролёрлар ролини бажармоқдалар. Натижада мустақил ижод анъанавий формаларининг оммавийлиги пасайиб, кўплаб маданият уйлари, музейлар, кутубхоналар, стадионлар ҳувиллаб қолмоқда, маданият ва истироҳат боғларининг фаолияти самарасиз бўлмоқда. Йил бошидан бери қурилиш планида кўзда тутилган қишлоқ клубларининг атиги 32 проценти фойдаланишга топширилди.

Съезд қатнашчилари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга оид ишларни янада такомиллаштириш йўлларини белгилаб, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани доирасида ягона «маданият программаси» тузилишини ёқлаб чиқдилар.

Съезд делегатлари жаҳон маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари ходимларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Касаба союзлари Марказий Комитетининг янги состави, ревизия комиссияси, СССР касаба союзларининг XVIII съездига делегатлар сайланди.

(ТАСС).

